



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ва шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали ўтказилди.



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Фарзандларимиз дилларига байрамона руҳ бағишловчи ушбу тадбир ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан асраш, уларни халқимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида уюштирилди.

Фестиваль Ҳаракатнинг энг йирик лойиҳаси сифатида эътироф этилган бўлиб, унинг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Туман ва шаҳарлар, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, ёш олим ва мутахассислар, таниқли

шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари, эл ардоғидаги машҳур кишилар иштирокида ўтказилаётган фестивалларда юз минглаб ёшларнинг иштирок этаётгани фикримизнинг далилидир.

Анъана тусига кирган ушбу тадбир ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларнинг қалбида она Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, юрт равнақи учун хизмат қиладиган фидойи ёшларни рағбатлантириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгашидан олинган маълумотларга кўра, юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур фестиваллар доирасида ҳудудларда жами 800 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда

қарийб 1 миллионга яқин ёшлар иштирок этишди. Фестиваль давомида 2 мингдан ортиқ иқтидорли ва ижодкор ёшлар кашф этилиб, уларнинг ижод намуналари Ҳаракат муассислигидаги нашрларда ҳамда алоҳида тўплам сифатида чоп этилди.

Жорий йилнинг 7-8 апрель кунлари фестивал доирасида пойтахтдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда Меҳрибонлик уйларида ёшларимизнинг мафқуравий дунёқарши ва маънавий камолотига хизмат қилувчи, шаҳар ва туманлар ижтимоий ҳаётига оид ислохотларни ривожлантиришга қаратилган 14 та тарғибот лойиҳаси маҳаллий давлат ҳокимияти мутасаддилари иштирокида амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

«Тошкент» республика фонд биржаси билан Япония фонд биржаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Қимматли қоғозлар билан муомала қўлами бўйича жаҳондаги энг илғор ташкилотлардан бири бўлган Япония фонд биржаси билан имзоланган меморандум Ўзбекистон ва Япония қимматли қоғозлар бозорларини янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг фонд бозорларини ўрганиш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашишга йўналтирилган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Япония фонд биржаси бошқарув менежери Котаро Ямазава. — Мазкур меморандум қимматли қоғозлар соҳасидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

Меморандум мувофиқ андеррайтинг ва листинг тартиботлари, бозор ҳолати таҳлили бўйича ахборот алмашилади, фонд бозорини ривожлантиришда акциядорлик компанияларининг иштироки янада кенгайтирилади.

Юртимизнинг барча ҳудудларида юздан ортиқ брокерлик идораларига эга «Тошкент» республика фонд биржаси қимматли қоғозлар бозорида асосий савдо майдонидир. Биржанинг Токио, Шанхай, Лондон, Франкфурт, Истамбул ва Сингапур фонд биржалари билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. «Тошкент» республика фонд биржаси Евроосиё фонд биржалари федерацияси ҳамда МДХ мамлакатлари биржалари халқаро уюшмасининг аъзосидир.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

Халқаро кўргазмалар

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш — TIME 2014», «Фармацевтика саноати — AptekaExpo Central Asia 2014» ҳамда «Стоматология — Stomatology Uzbekistan 2014» халқаро кўргазмалари очилди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни, «Ўзтибтехника» масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорликда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, замонавий тиббий анжумлар билан таъминлаш борасидаги ишлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Хусусан, 2013 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган

инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт муассасалари қуриш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳридаги бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия заҳиралари спорт мактабидида ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати бошланди.

Халқаро гимнастика федерацияси кўмағида Осиё гимнастика иттифоқи, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақа қитъа гимнастикчилари учун жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган саралаш турниридир.

Мазкур нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш ҳуқуқи Осиё гимнастика уюшмаси Ижроия қўмитасининг 2012 йили Қатарда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистонга берилди. Осиё гимнастика уюшмаси мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳбарлигида спортни, жумладан, гимнастика турларини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, юртимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказишда бой тажрибаси ва имкониятлари борлиги, экспертлар, мутахассислар, мураббийлар ва спортчиларнинг ижобий фикрини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

Бўлажак олимпиячилар ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

9 апрель кuni пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Чорлов садолари остида майдонга Осиё чемпиони иштирокчилари — 22 мамлакат терма жамоалари вакиллари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳошимов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида кўплаб соҳалар сингари спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар улкан самаралар бераётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон дунёнинг спорт марказларидан биридир, — дейди Халқаро гимнастика федерацияси (FIG) спорт

гимнастикаси бўйича техник кўмита расиси Нелли Ким. — Мамлакатимизда ҳар қандай йирик тадбирни юксак савияда ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Спорт гимнастикаси бўйича бўйича касб-хунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

(Давоми 4-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тижорат банклари раҳбарлари, мутахассислар томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган ёшларга кредит олиш, ажратилган кредитларнинг имтиёз ва муддатлари, бизнес-режа тузиш ва тақдим этиш тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

• Бухорода ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 13 жамоа 17 шарт бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

• Термиз шаҳрида асарарчилиқни янада ривожлантириш, соҳага янги технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Андижон давлат тиббиёт институтида «Гепатологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда «Нафас йўллари инфекциясида рационал антибиотик терапия» йўналишида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари атрофлича таҳлил этилди.

• Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бек-текс» масъулияти чекланган жамияти эш бошлади. Замонавий тарзда жиҳозланган корхона кунига 5 минг донадан ортиқ эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

• Самарқанд шаҳрида ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари билан учрашув ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Маълумки, ўтган йилнинг ноябрида Тинч океанининг Японияга яқин ҳудудда митти орол пайдо бўлганди. Ушанда оролнинг ҳажми юзга икки юз метрни ташкил этганди. Орадан 4 ой ўтгач, мутахассислар вертолёт ёрдамида уни кузатдилар ва ўлчаш ишларини олиб бординлар. Маълум бўлишича, у 70 баравар катталашибди — 1150 ва 850 метрни ташкил этмоқда.

• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг яқинда эълон қилинган маълумотларида қайд этилишича, 2012 йилни айнан ҳаво ифлосланиш даражасининг меъёридан ортиб кетиши дунё бўйича 7 миллиондан зиёд кишининг умрига зомин бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 3,3 миллион киши ички, яъни иншоотлар ичидаги ҳавонинг нотозалигидан, 2,6 миллион киши эса ташқи, яъни атмосфера ҳавосининг бузилиши оқибатида турли касалликларга чалиниб нобуд бўлган.

• Мичиган университети профессори Мерседес Паскалнинг айтишича, икким йилдан буён айтаётган ҳароратнинг кўтарилиб бориши шу пайтгача ҳеч кузатилмаган ҳудудларда чивинлар пайдо бўлишига шароит яратди. Кейинги пайтларда ўтказилган тадқиқот-кузатувлар Африка ва Жанубий Американинг тоғли ҳудудларида ҳам одамларнинг безгакка чалиниши қайд этилаётганини тасдиқлади. Агар ҳароратнинг кўтарилиши шу йўсинда давом этаверса, безгакка чалиниш ҳолатлари кўпайиб боради.

• Россиялик биологлар организмни йиғилиб қолган қаттиқ қотишмалар бирикмаси («шлак»)дан тозалаш учун мармеладни тавсия этишмоқда. Бунга сабаб: мармелад таркибида пектин моддаси борлигидир. Пектин организмни қаттиқ қотишмалардан тозаловчи табиий воситадир.

